Тазкия дарслари (222-дарс) Зуҳд маъносида келган оятлардан намуналар

19:00 / 18.03.2023 3112

Аллоҳ таоло бундай деб марҳамат қилади:

٣٠ أَخِي هَٰرُونَ

٣١ أَزْرِي بِهِۦٓ أَشْدُدْ

«Бас, улар айтаётган нарсаларга сабр қил. Қуёш чиқишидан олдин ва ботишидан олдин Роббингни ҳамд ила поклаб ёд эт. Кечанинг бир қисмида ва кундузнинг атрофида ҳам поклаб ёд эт. Шоядки, рози бўлсанг. Уларни синаш учун дунё ҳаётининг кўрки қилиб,

айримларини баҳраманд қилганимиз нарсаларга кўзларингни тикма. Роббингнинг ризқи яхши ва боқийдир» *(Тоҳа сураси, 130-131-оятлар).*

Баъзиларга берилган турли зеб-зийнатларга ҳавас билан боқма. Улар бу дунё ҳаётининг матоҳи, холос. Биз уларга бу матоҳларни синаш учун вақтинча берганмиз. Беш кунлик дунёнинг зебу зийнатида бақо йўқ. Бирпасда заволга учрайди.

«Роббингнинг ризқи яхши ва боқийдир».

Роббинг сенга берган ризқ энг яхши ризқдир, энг боқий ризқдир. У вақтинчалик эмас, доимийдир. У синаш учун эмас, сийлаш учундир.

Аллоҳ таоло яна бундай деб марҳамат қилади:

ٱلْعَزِيزُ ٱلْقَوِىُّ وَهُوَ يَشَآءُ مَن يَرْزُقُ بِعِبَادِهِۦ لَطِيفٌ ٱللَّهُ

كَانَ وَمَن حَرْثِهِۦ فِى لَهُۥ نَّزِدْ ٱلْأَخِرَةِ حَرْثَ يُرِيدُ كَانَ مَن

نَّصِيبٍ مِن ٱلْأَخِرَةِ فِى لَهُۥ وَمَا مِنْهَا نُؤْتِهِۦ ٱلدُّنْيَا حَرْثَ يُرِيدُ

٢٠

«Аллоҳ бандаларига Латифдир. У Ўзи хоҳлаган кишига ризқ берур. У ўта қувватлидир, ўта иззатлидир. Ким охират ҳосилини истаса, унга ҳосилини зиёда қилиб берурмиз. Ким дунё ҳосилини истаса, унга ўшандан берурмиз ва унга охиратда бирон насиба бўлмас» *(Шууро сураси, 19-20-оятлар).*

Ушбу оятнинг маъносидан Аллоҳ таолонинг латиф сифати яққол кўриниб турибди. Аллоҳ хоҳлаган одамига – у одам солиҳми, солиҳ эмасми, қобилми, қобил эмасми, мўминми, кофирми, ризқни бераверади. Агар Аллоҳ кофир, фосиқ, осий ва гуноҳкорларга ризқ бермаса, улар ўзларига ўзлари ризқ бера олмайдилар. Шунингдек, Аллоҳдан бошқа ҳеч бир зот ҳам уларга ризқ бера олмайди. Бинобарин, улар тезда ҳалок бўладилар. Аммо у ҳолда уларни дунёга келтириш, бу дунёда синовдан ўтказиш ва охиратдаги ҳисоб-китоб ҳикматлари ботил бўлади.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло яхшига ҳам, ёмонга ҳам ризқни бераверади. Охират ризқини хоҳлаб, ўшанга яраша ҳаракат қилган бандага охират

ризқини беради. Бу дунё ризқини хоҳлаб, ўшанга яраша ҳаракат қилган бандага бу дунё ризқини беради. Аммо бу дунё ризқини истаган ўша бандага охиратдан ҳеч қандай насиба қолмайди.

Охират ҳосилини истаган одам эса бу дунё ҳосилидан ҳам баҳраманд бўлади, бўлганда ҳам, бошқалардан кўра яхшироқ баҳраманд бўлади. Шундай экан, ҳар ким ўзи ўйлаб, фикр юритиб, юрадиган йўлини танлаб олаверсин. Бу ишларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг Китобига, динига амал қилишга боғлиқ. Аллоҳга иймон келтириб, Унинг шариатига амал қилганлар яхши оқибатга эришишлари турган гап.

Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади:

فِي إِلَّا أَنفُسِكُمْ فِيٓ وَلَا ٱلْأَرْضِ فِي مُّصِيبَةٍ مِن أَصَابَ مَآ

﴿٢٢﴾ يَسِيرٌ ٱللَّهِ عَلَىٰ ذَٰلِكَ إِنَّ ۚ نَّبْرَأَهَآ أَن قَبْلِ مِّن كِتَٰبٍ

ءَاتَىٰكُمْ بِمَآ تَفْرَحُوا۟ وَلَا فَاتَكُمْ مَا عَلَىٰ تَأْسَوْا۟ لِّكَيْلَا ۖ

﴿٢٣﴾ فَخُورٍ مُّخْتَالٍ كُلَّ يُحِبُّ لَا وَٱللَّهُ

«Ер юзида ёки ўзларингизда бирор мусибат етса, уни яратишимиздан олдин албатта китобда бўлур. Албатта, бу Аллоҳ учун осондир. Токи на сиздан кетган нарсага ачинманг ва на сизга келган нарсадан ҳовлиқиб кетманг. Аллоҳ ҳеч бир димоғдор ва мақтанчоқни суймас» *(Ҳадид сураси, 22-23-оятлар).*

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди